



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛЛИ ТУЗИЛМАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

Холмуратов Темур Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура
тингловчиси, подполковник

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий давлатларнинг ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш соҳасидаги тажрибаси ҳақида сўз боради. Шунингдек, хорижий давлатларда содир бўлган ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш тактикалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: ноқонуний қуролли тузилмалар, тактика, разведка, Мудофаа доктринаси, хориж тажрибаси.

Аннотация: В данной статье рассматривается об опыте зарубежных стран в борьбе с незаконными вооруженными организациями. Также будет обсуждена тактика борьбы с незаконными вооруженными формированиями в зарубежных странах.

Ключевые слова: Незаконные вооруженные формирования, тактика, разведка, Оборонная доктрина, зарубежный опыт.

Annotation: This article talks about the experience of foreign countries in the fight against illegal armed organizations. Tactics of combating illegal armed groups in foreign countries will also be discussed.

Keywords: illegal armed groups, tactics, intelligence, Defense doctrine, foreign experience.

Дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини баҳолаш ва прогнозлаш натижалари, ҳарбий можаролар табиати ва қуролли кураш мазмунидаги ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг ўзига хос геосиёсий позицияси, иқтисодий, ижтимоий-демографик ва этник хусусиятлари, унинг худудлари, шунингдек, миллий манфаатлар ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг кенг доираси ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши жанговар харакатларнинг замонавий тактикасини такомиллаштириш муаммолари ечимини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этишнинг алоҳида аҳамияти ва илмий янгилигини беради.

Ўзбекистон давлат раҳбари томонидан республикада барқарорлик ва тинчликни сақлаш бўйича олиб борилаётган сиёsat туфайли ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши қуролли кураш тажрибасига эга бўлиб бормоқда десак адашмаган бўламиз. Мазкур йўналишдаги илк қадам бу “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида” Конунининг қабул қилиниши бўлди. Мазкур қонунга кўра, **ноқонуний қуролли тузилмалар** – миллий ва халқаро қонунчиликка хилоф равишда шакллантирилган, террорчилик, экстремистик, жиноий ёки бошқа мақсадларни кўзловчи қуролли бирлашмалар, отрядлар, гурухлар, деб

белгилаб қўйилган. Бошқа юридик адабиётларда эса, **ноқонуний қуролли тузилмалар** - қуролли груп (тўда, тўда) сони бўйича кичик, террористик груп, қонуний ҳукумат назорати остида бўлмаган, амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилмасдан ташкил этилган тузилмадир каби тарифлар бериб ўтилган.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги глобал давр қуролли тузилмаларга қарши курашнинг замонавийлигини талаб қилмоқда. Бу борада мамлакат қуролли кучларининг ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши курашда янги тактикалари қўллаш, хориж тажрибаси ўрганиш ва уни амалда қўллаш аҳамиятли ҳисобланади. Ноқонуний қуролли тузилмаларнинг доимий равишда қўпорувчилик, қўшинларни ўққа тутиш, ҳарбий қўшинлар ва бўлинмаларни эгаллаб олиш тактикасига ўтиши муносабати билан энг муҳим алоқа воситалари, обьектлар ва аҳоли пунктларини ҳимоя қилишга мажбур бўлиши дунё тажрибасидан аён. Бундай мудофаадан мақсад йўллар бўйлаб ва аҳоли пунктларида ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш, уларнинг ноқонуний ҳаракатига барҳам бериш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

Шу билан бирга, қўшинларнинг қуролли тузилмаларга қарши кураш ҳамда жанговар операцияларни ўтказиш жараёни ҳам муҳимдир.

Бунда МДҲ давлатларининг кўплаб давлатларида, хусусан Қозоғистон Россияда қуидаги асосий усулларни қўллаш орқали амалга оширилади:

- шаҳарларни, алоҳида ҳудудларни тўсиб қўйиш ва уларни қуролли кучларнинг махсус бўлинмалари билан муҳофаза қилиш;
- рейд операцияларини ўтказиш;
- ноқонуний қуролли тузилмалар аниқланган нуқта нишонларига ҳаво зарбалари бериш;
- ноқонуний қуролли тузилмаларнинг кириб келиш ва таъминот йўлларини йўқ қилиш;
- душманни кейинчалик парчалаш ва йўқ қилиш билан ўраб олиш;
- пистирма қўйиш.

Ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилишнинг асосий усулларидан бири жанговар ҳаракатлар вақтида ҳудудлар ва аҳоли пунктларини блокада қилишdir.

Жанговар ҳаракатларнинг иккинчи усули - бу жангари тузилмаларнинг кириб бориши йўлларини ва уларни қурол, ўқ-дорилар, озиқ-овқат ва материаллар билан таъминлаш йўлларини миналаш.

Шунингдек, ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш усуллар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- ҳаво ҳужумларидан отрядлар ва жанговар қисмларни ўраб олиш орқали рейд операцияларини ўтказиш билан биргаликда фойдаланиш;
- тоғларда ҳаво ҳужуми билан душманни тўсиб қўйиш ва йўқ қилиш бўйича жанговар ҳаракатларни ўтказиш;

➤ бир вақтнинг ўзида тактик ҳаво десант-хужум қўшинларини тушириш ва таянч худудлари ва омборларни тозалаш бўйича жанговар ҳаракатларни амалга оширишда узоқ масофаларга маршларни ўтказиш;

➤ шаҳарда ва яшил зонада душманни йўқ қилиш.

Қўшинлар томонидан тўпланган тажриба таҳлили шуни кўрсатди, амалиётлар давомида энг катта тактик муваффақият тўдаларнинг яхши ўрганилган жойларини, базалари ва омборларини нисбатан кичик ҳудудда тўлиқ тўсиб қўйиш, душманга артиллерия ўқлари, ҳаво зарбалари билан ёнғинга зарар етказиш эди.

Келинг, энди ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши курашда ёрқин мисол сифатида собиқ Совет қўшинларининг Афғонистондаги жанговар операцияларини ўтказиш тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтсак. Собиқ Совет қўшинларининг Афғонистондаги жанговар ҳаракатлари давомида тартибсиз ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш усуллари қуйидагicha бўлган: рейдлар ва айланиб ўтиш ҳаракатлари пайтида тоғларда, аҳоли пунктларида, ўрмонларда, шаҳарларда ва бошқа жойларда разведка, жанговар, зарба ва хужум операцияларини тайёрлаш ва ўтказиш учун отряд-гурух усуллари шакллантирилган; жангариларнинг кичик разведка тузилмаларини блокировка қилиш ва йўқ қилишда жанговар тузилмалардан фойдаланиш тактикаси такомиллаштирилди; душманни зона-объект ва танлаб йўқ қилиш усуллари, ҳарбий маневр гурухлари, қиравчи, отрядлардан жанговар фойдаланиш, алоқаларни ҳимоя қилишда назорат пунктларида хизмат қилиш, чуқур разведка ўтказиш, техник ва моддий-техник таъминлаш. қўшинларининг кўп хизматли гурухлари тузилганди.

Оператив вазиятнинг мураккаблиги, ўзига хослиги, кескинлик ўчоқларида турли хил ҳарбий тузилмалар олдида турган вазифаларнинг хилма-хиллиги, улар қўллайдиган ҳаракат усулларининг ўзига хослиги улардан жанговар фойдаланишнинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида қаралган. Совет қўшинларини қўллаш усуллари маҳаллий шароит ва мавжуд жанговар вазиятдан келиб чиқсан ҳолда белгиланган: объекtlар ёки зоналарни тўсиш ва уларни тозалаш, тоғ ғорлари ва ер ости суғориш тизимларида душманни йўқ қилиш ва ҳоказо. Пистирма тактикаси янада ривожлантирилди ҳамда ҳарбий полкларда, бўлинмаларда ва ҳатто қўшинларда пистирма режалаштирилган эди, улар дарҳол тегишли зонадаги максимал мумкин бўлган маршрутларни тўсиб қўйишганди.

Ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши курашда разведка каби усулдан фойдаланиш янада катта натижалар берди, тузилмалар карвонларини қидириш ва йўқ қилиш каби усуллардан фойдаланиш ҳам, айниқса авиация ва қўшма қурол бўлинмаларининг яқин ўзаро таъсирида самаралироқ бўлди.

Шундай қилиб, ноқонуний қуролли тузилмаларни йўқ қилиш бўйича ҳарбий операцияларни ўтказиш таҳлилига кўра, бир қатор тенденцияларни аниқлаш имконини аниқланди. Улардан энг муҳими жанговар ҳаракатларни амалга ошириш учун турли хил ўқларда автоном қўшин гурухларини яратишнинг объектив зарурлигини акс эттиради. Бунга жанговар қўллаб-куватловчи кучлар ва фаолларни



мунтазам бўлинмаларга қўшимча кучайтирмасдан жанговар вазифаларни ҳал қилишга имкон берадиган микдорда киритиш орқали эришилади.

База ҳудудида ноқонуний қуролли тузилмани йўқ қилишнинг самарали усули - уни тўсиб қўйиш, кейин ҳудудни “**тозалаш**” ва жангариларни йўқ қилиш. Пиёда аскарлари етиб бориши қийин бўлган ҳудудда унинг шаклларидан бири ёнгинни блокировка қилиш бўлиб, унинг давомида артиллерия душманнинг мумкин бўлган йўналишларида ўқса тутади. Жазоирдаги урушда (1954-1956) француз қўшинлари ноқонуний қуролли тузилмаларни тўсиш учун “**ўргимчак ҳаракати**” тактикасини қўлладилар. Улар бутун ҳарбий ҳаракатлар ҳудудини истеҳкомлар ва қаршилик марказлари тизими билан «босиб қўйишга» интилишди. Ҳудди шундай, қуролли тузилмаларнинг ҳаракати назорат қилинди ва уларнинг маневрлари чекланди. Шу билан бирга, қуролли тузилмаларни йўқ қилиш учун авиация ҳам жалб қилинган эди.

Америка Кўшма Штатлари қўмондонлиги Вьетнамда ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши курашда бошқача ҳаракат қилган. Қоидага кўра, у аниқланган душман гарнizonларини ҳаво ва олов қуршовидан фойдаланган. Жанг майдонини изоляция қилиш самолётлар ва вертолётлар томонидан бир вақтнинг ўзида оммавий хужумларни амалга ошириш билан бирлаштирган. Агар қуршаб олиш операциясида тактик авиация гурухлари иштирок этган бўлса, унда “**болға ва анвил**” («молот и наковалъя»), “**иккилик ҳалқа**” («двойное кольцо»), “**икки бошли бургут**” («двуглавый орёл») каби маневр шакллари қўлланилган.

Кўриниб турибдики, хорижий давлатларнинг ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва керакли бўлган жиҳатларни олиш муҳимдир. Мамлакатнинг миллий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган таҳдидлар даражасидан, ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш хусусиятларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасида эҳтимолий ҳарбий тўқнашувларга қарши курашишга, локал ва минтақавий урушларни пайдо бўлишида қуролланган тўқнашувларга қарши курашиш талаби ортиб бормоқда.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш. М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, айни пайтда бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда ҳалқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бормоқда, айрим ҳудудларда қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда.

Ана шундай кескин вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, мавжуд таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларимизни янада ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини юксалтириш бўйича келгусида амалга оширадиган ишларимизни изчили давом эттиришимиз зарур.

Шундай қилиб, мақолада ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши кураш, йўқ қилиш бўйича ҳарбий операцияларни ўтказиш ҳамда айрим давлатлар томонидан ноқонуний қуролли тузилмаларга қўлланилган тактик усуллар ва операциялар таҳлил қилинди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида, 2018 йил 9 январь, ЎРҚ-458-сон.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 13 январь кунги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги нутқи.
3. Долимов Ш. Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. –Т:, 68 бет.
4. Потапов П.П. Борьба с НВФ. СССР, Россия и НАТО в локальных конфликтах. – Минск: Белорусский дом печати, 2010. – С.18-46.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>
2. <https://cyberleninka.ru/>